







## БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Нур олур қалблар қадрдон  
Бахтимиз Қомусидан,  
Яйрағай танларда бу жон  
Бахтимиз Қомусидан.  
Камситолмас ҳеч киши ҳеч  
ҳақ-ҳуқуқимни менинг,  
Шаъну шавкатларга мезон  
Бахтимиз Қомусидан.  
Хурлигимнинг умри боқий,  
толеим доим баланд,  
Обрўю қадримдир осмон  
Бахтимиз Қомусидан.  
Ишласам яйраб яшаб  
қилсин ҳавас дунё эли,  
Турмушим бутдир, фаровон  
Бахтимиз Қомусидан.  
Халқаро оламда қаддим  
ғоз тутсам арзигай,  
Тинчлиги дўстликка посбон  
Бахтимиз Қомусидан.  
Куйласам эл мадҳини тинмай,  
Калон, илҳом жўшар  
Ўзбегим тилларда дoston,  
Бахтимиз Қомусидан.

Мурод КАЛОНХОН.

## КОНСТИТУЦИЯ ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ

Янги давр давлатчилигининг шаклланишида Конституция барча халқлар доимий интилиб, курашиб келган ғоялар — «озодлик», «тенглик», «мустақиллик» ғояларининг ҳуқуқий ифодаси сифатида намоён бўлди. Шу сабабли Конституцияларда халқларнинг орзу-умидлари, интилишлари, уларнинг ҳуқуқий кафолатлари ўз ифодасини топади ва Конституция ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-этибори, асосий макони айланади. Президентимиз айтганидек, «Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомуснома...» бўлиб қолади.

Ҳозирги замон конституционизми икки юз йилдан кўпроқ тарихга эга бўлиб, унда тарихан сиёсий умумбашарий, умуминсоний қадриятларни мужассам этади. Айна пайта, ҳар бир давлатнинг Конституцияси ана шу умуминсоний қадриятлар билан бир қаторда ўзига хос миллий тафаккурни (менталитетни) ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистон Конституцияси фақат давлатнинг асосий қонунига бўлиб қолмасдан, ўзбек зивиллари, умуман халқимизнинг бир неча авлоди ўз ҳуқуқлари, озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган курашининг натижаси, миллатимизнинг ушланган орзу-и, энг олий ғоялар танта-наси ҳамдир.

Ҳозирги замон давлатларининг деярли ҳаммаси миллий бўлгани туфайли улар

Конституциялари ҳам мамлакатдаги асосий миллатнинг ҳусусиятларини, миллий воқеликни ўз ичига олади. Шу сабабли Конституция фақат давлатнинг асосий қонунига бўлиб қолмасдан, миллатнинг буюк ғояларини ҳам ўз ичига олади. Ҳар қандай миллат эса уни бирлаштирувчи, улуг келажак сари қорловчи буюк ғояларсиз миллат бўла олмайд. Бу буюк ғоялар энг аввало халқнинг ҳаёт тарзида, орзу-интилишларида, дини ва маданиятида намоён бўлади. Буларнинг ҳаммаси ана шу буюк ғоялар билан ҳамоҳанглида. Шу ғоя мамлакатдаги барча халқларни, сиёсий партияларни, гуруҳлар ва ҳаракатларни жиқлаштирилади, улуг мақсадлар сари элтиради. Ҳозирда кучли демократик жамият, фаровон турмуш кура олган барча халқларнинг тарихида ана шу буюк ғоянинг маъжудлиги ҳал қилувчи рол уйнаган.

Ўзбекистон тараққиётининг утган 9 йилли шунини кўрсатадики, халқимизнинг миллий тараққиёт йулидаги

бош ғояси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ғояси унинг азалги эгу интилишлари, бугунги тинч, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди.

Конституциямиз эса, шу бош ғояни — озодлик ва яратувчилик ғоясини муваффақият билан ўз ичига олади ва ҳуқуқий кафолатланганлиги билан ҳам давлaт имзисини, халқимизнинг тин олган Асосий қонунидир.

Бугун шу буюк ғояни барчага сингдириш, ёшларимизни миллий истиқлол мафқураси ғояларига садоқат, Конституциямизга юксак ҳурмат руҳида тарбиялаш барчамизнинг бурчимиздир.

Шухрат ЭРҒАШЕВ,  
Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг «Умумий тарих ва ҳуқуқшунослик» кафедраси муdiri,  
тарих фанлари номзоди.  
Курбонали ТОҶИБОВЕВ,  
шу кафедранинг катта ўқитувчиси.

### 15-модда. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўзсиз тан олинади.

Демократик йўлни танлаган мамлакат қонунларида халқнинг хоҳиш-иродаси акс этади. Иқтисодий адолатли бошқарув тизимига интилган ҳар қандай давлатнинг салоҳияти Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари Декларацияси билан боғлиқ кетиши табиийдир. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистонда мустақиллигимизнинг дастлабки даврлариданоқ ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, эътиқоди, меҳнат ва касб-и эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиш, ижтимоий ҳимоя ва бошқа имкониятлар қонунлар билан ҳимояланиши эътироф этилади.

Мустақиллик шарофати туфайли жамиятимизнинг барча жабҳаларида, жумладан ҳаётимизда юз берган улкан ўзгаришлар, янгиланиш жараёнида республика ҳуқуқ посбонлари зиммаси-

бўлиши ёш авлоднинг ҳуқуқий онини шакллантириш, уларда Ватанга муҳаббат, қонунларга ҳурмат руҳини бунёд этишга алоҳида эътибор берилади. Албатта, бу ишлар осон кечгани йўқ. Хусусан, эркин бозор иқтисодиётига кириб

борилган бир пайтда халқ, давлат ва инсон манфаатини кафолатловчи бир қанча қонунлар қабул қилинди. Дастлабки пайтларда ўзгалар мулкни боқсичилик, талончилик, товланчилик, урилик, зуравонлик йули билан эгаллаш ҳоллари томир отгани сир эмас. Бундай оғир жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар биз ҳуқуқий муҳофаза этивчи органлар ҳодимларининг доимий диққат марказида бўлмоқда. Бу йўналишлардаги ишларни юқори даражада ташкиллаштириш талаб этилгани айна мудоа бўлди. Катта сайёҳ ҳаракатлар эвазига ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг узро ҳамкорликда жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-

тартиботни мустаҳкамлаш босқисига олиб борилаётган кўп қиррали ишларини жиқлаштиришга эришилди. Натижада Тошкент вилоятинида утган ўн бир ойда жиноятчилик бирмунча камайди. Жиноятнинг оғир турларидан ҳисобланган босқинчилик жи-

ноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш босқисига олиб борилаётган кўп қиррали ишларини жиқлаштиришга эришилди. Натижада Тошкент вилоятинида утган ўн бир ойда жиноятчилик бирмунча камайди. Жиноятнинг оғир турларидан ҳисобланган босқинчилик жи-

ноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш босқисига олиб борилаётган кўп қиррали ишларини жиқлаштиришга эришилди. Натижада Тошкент вилоятинида утган ўн бир ойда жиноятчилик бирмунча камайди. Жиноятнинг оғир турларидан ҳисобланган босқинчилик жи-

## ҚОНУН УСТИВОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

лар таъсирига берилишига сабаб бўлса, уқув-тарбия масканларида тарбиянинг шу кун талаблари даражасида эмаслиги қўлга олинган ҳолларда олиб келим.

Шу ерда ўз-ўзидан савол туғилади: — Ҳуш, хавфли жино-

ятларни асосан қиммат қиларми? Аксари ҳолларда бу муқаддам судланганлар томонидан содир этилиши таъкидлаш жоиз. Бунга қўшунча улар устидан урнатилган маъмурий назорат лозим даражада бўлмаганлиги, баъзан эса ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар айрим ҳодимларининг лоқайдлиги сабаб бўлмоқда. Қатор туман ва шаҳарларда жиноят содир этганларнинг аксарияти яна суднинг қора курсисига қайтиб келмоқдалар. Бу нопок қимсалар уларнинг қора утмишларидан етарлича ҳуқуқсиз чиқариш, ҳаётларининг қолган қисмини ҳал меҳнатга бағишлаш урнига яна жиноят содир этмоқдалар.

Жумладан, Бекобод туманида муқаддам судланган Х. О. Усмонов ўз қилмишига пушаймон бўлмайдиганлар тоифасидан чиқиб қолди. У олдинги қилмишидан ҳуқуқсиз қилмасдан, вояга етмаган Ж. Т. Одилов билан жиний тил бириктириб, яна разолатга қўл урган. Албатта,

бу биргина мисол ҳолос. Бу каби жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот органлари ҳодимлари билан бир қаторда фуқароларимизнинг жойларда ўзини-ўзи бошқарув қўмиталарининг фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамиятда адолат кафолати бўлган Конституцияимизнинг муҳим жиҳатларидан яна бири ҳар бир фуқаронинг ижтимоий келиб чиқиши, эгаллаган

мавқеи ва бошқа алоҳида жиҳатларга эга бўлишидан қатъий назар қонун олдида баъробарлигидир. Зотан бу ҳусу-сиятлар эркин демократик давлатчилик йўлидан бораётган мамлакатимизда янада мустаҳкамланади. Жиноят содир этган ҳар қандай шахс қилмишига яраша жазо олиши муқаррарлигини англаб

етмоқда. Юқорида келтирилган ҳолатлар Конституция ва қонунларнинг амалда ишлатилишида далолат беради. Аммо бу ҳали жиноятчилик илдизлари бата-

мом қуритилди, деган гап эмас. Олдимизда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, ечимларга муаммолар талайгина. Ушбу муаммоларни бар-тароф этиш борасида бети-ном изланишлар олиб

борилмоқда, тадбирлар иш-лаб килинмоқда. Булар вақти келиб ижобий самара бери-ши шубҳасиздир. Ахир «Куч адолатдадир» дейилиши бе-ҳиз эмас.

Асосий қомусимиз — Конституциямизда қуратилади-дек, қонунлар устиворлигини таъминлашдек, масъулиятли, айна пайтда шарофли вази-фани амалга ошириш бора-сида вилоят прокуратураси ижодкорлари ҳодимлари ула-рининг бор қў ва билимла-рини аямийлар, қонун у-створлигини таъминлашга хиз-мат қилмавердилар.

Шовдбек АЛАЕВ,  
Тошкент вилояти прокуратурасининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.



Мамлакатимизда фуқароларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари Конституция билан кафолатланган.

## Олий Мажлис сессияси қонундан

# «НАЗАРИМДА, ЖИНДАЙ ЭМАС, АНЧАГИНА АНДИШАЛИМИЗ»

Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида санокли қонунлар қонун. Мамлакатимиз парламентида унга қизгин талқинлар қилинмоқда, қонун лойиҳаларини пишиқ-пухта қилиш учун ишчи гуруҳларида ишлар охирида бораёпти. Шу ўринда табиий савол туғилади: партия фракциялари бугун нима билан банд? Улар жамоатчиликнинг ўзлари ҳақидаги фикрларига қай тарзда муносабат билдиришади? Мамлакатимиз парламенти раиси «Халқ сўзининг 24 ноябрь сонидан чоп этилган «Қонунчилик фаолияти ва сиёсий партиялар ёки Ўзбекистон парламентидеги сиёсий вакилларнинг айрим муаммолари тўғрисида»ги мақоласида айтганидек, сиёсий партияларнинг Олий Мажлисидаги фракциялари нега қўнғилдагидек иш юритишолмаётгани? Мухтасар қилиб айтганда, бундай саволларни яна давом эттириш мумкин. Лекин биз жамоатчилик билан сиёсий партиялар ўртасида ҳақамалик қилмаслик мақсадиди, уларнинг бе-восита ўзларидан сўрадик, ўзларига сўз бердик. Шу боис сўхбатимиз ҳам ҳаммамиз одатланиб қолган усулда келмади: саволлар ҳам олдиндан таъриланган йўқ, жавобларни ҳам бир неча кун кўтарадик. Ҳаммаси табиий, юзма-юз ва санокли диққатлар ичида бўлди. «Қуйида «Адолат» социал-демократик партияси бугунги кунда бар-лабда айта оладими, мана бу амалдаги қонун бизнинг та-биқ бўлганимиз билан қабул қилинган ёки мана бу қонун-ни биз яратганимиз, деб.

— Тўғрунўлат ака, кўпчиликлда бизнинг партия-лар эгизаклардай бир-бири-га ўхшаб, қолаверса улар-нинг фракцияи ҳам ажратол-май қолсан, деган фикр йўқ эмас. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Йўқ, мен бундай фикрлар-га мутлақо қўшилмайман. Нега ва нима учун? Сиёсий партияларнинг бир хиллиги, менинг назаримда уларнинг мақсадларида. Дарҳақиқат, ҳаммасининг мақсади муш-тарак. Зеро, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Мас-алан, Американи олайлик. Де-мократлар партияси билан Ре-спубликачилар партиясининг асосий мақсадлари ўртасида катта фарқ борми? Йўқ, албат-та. Буни сиз ҳам, бошқалар ҳам яхши билди. Асосий фарқ уларнинг йўналишида, ҳаракат-дастурида. Баъзи бир тушун-майдики, одамлар партиялар-нинг асосий мақсадларини на-зарда тутиб, сиз айтган ҳуло-сага келган бўлишлари мум-кин. Бизнинг, яъни жамиятнинг асосий мақсади Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда уни ке-лажакда энг ривожланган дав-латлар даражасига кўтариш. Бу нима, ХДПнинг асосий мақсадида қирмайдими ёки ФМДнинг асосий мақсади бун-дан булакчани, «Адолат»ники-чи? Йўқ, мақсадимиз бир, ле-кин унга эришиш йўлларимиз ҳар хил.

— Биласиз, амалдаги қонунчиликда партияларга янги қонун ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилган. Мо-домки шундай экан, «Адо-лат» социал-демократик партияси бугунги кунда ба-рлабда айта оладими, мана бу амалдаги қонун бизнинг та-биқ бўлганимиз билан қабул қилинган ёки мана бу қонун-ни биз яратганимиз, деб.

— Айта олади, бемалол айта олади.

— Масалан?!  
— Масалан, ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлиқни сақлаш маса-лаларига доир бир қатор қонунлар бор.

— Аниқ қилиб, номин билан айта оласизми?

— Албатта. Масалан, СПИД, туберкулез, психиатрия ёрда-

айниқса, қишлоқ боласининг бунга қўриб етмаслиги бор гап. Тўғри, бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди. Янаги йилдан уларга кредит берила бошланади. Биз бу ҳолат «Таълим тўғрисида»ги Қонунга ҳам киритилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

— Жамоатчилик ичида биз-нинг фракциялар ниятда

кечади. Мана, бизнинг фрак-циямизда Олий Мажлис IV се-ссияси кун тартибига киритил-ган қонун лойиҳалари бўйича келиб тушган таклифлар (фрак-ция раҳбари қилиб бир тах-ламман, айрим масалаларда ва-зият ҳаётда бир-биримиздан хафа бўлишимизга қарай бориб-етади. Ана шунларни ҳисобга ол-ганда «осойишта утди» дей-илган гаплар унчалик тўғри-напти. Лекин тўғри, сайлов-лар пайтидаги ошанилик ҳозир йўқ. Биз яқинда бир ҳолатни тах-лил қилдик. Сайловгача ай-рим партия аъзоларимиз жуда ҳам фаол эди. Шу боис партия уларнинг номзодларини депу-татликка ҳам кўрсатди. Сайлов саваловда, табиийки, уларнинг қўллари ўтишолмади. Ана шу-лар сайловдан кейин сувга тушган тошдек жимиб қотиш-ди. Демак, улар бизнинг са-фиямизга партия учун эмас, балки фақат депутат бўлиш учунгина киришган экан, деган таассурот уйғонди. Тўғриси-ни айтганда, партия бундайлардан воз кеча қолгани минг марта маъқул.

— Партиявий этикод со-бит бўлиши керак демократияда-да?

— Ҳа, шундай.

— Амалдаги қонунчиликда партия номусини, деб то-пига депутатини хатто қақириб олиш ҳуқуқига ҳам эга. Партиялар ўрни келганда ана шундай ҳуқуқлардан фойдалансалар бўлмас-микан?

— Фойдаланса бўлади, бу унинг ҳуқуқи. Лекин ҳали ора-мида сиз айтган даражадаги «номусини номзод йўқ», деб ҳисоблайман.

— Сиз бугунги кунда фрак-циянинг парламентдаги ўрнини қандай тушунайсиз?

— Ҳозирги мамлакатлардаги фракциялар фаолиятидан ха-бардор киши сифатида ўзаро таққослаганда бизда нима-

— Ойишта ҳаёт кечирадилар, деган тасаввур ҳам бор. Бал-ки ундай эмасдир. Агар бўлса, уни қандай бартараф-этиш керак, деб ўйлайсиз?

— Халқимизда «Шамол бўлмаса, дарахтининг учи қимирламайди», деган нақл бор. Жамоатчиликнинг бу фик-рида асос бор. Асос бориғи шундан иборатки, биз қўлаётган ишимизни қўрсатолмаймиз. Ва бу ҳамма партияларга хос на-рса, деб ўйлайман. Назаримда бу масалада «Экспан-дан ўр-нак олишимиз керакка ўхшайди. «Экспан» агар адашмасам, ҳар кун телевидорда, ҳар кун матбуот саҳифасида ўзини ти-нисиз ташвиқот-тартибот қи-лади. Биз-чи? Бизни халқ фақат сессия пайтида ўтир-ганимиз, қонунни қабул қилиш-да овоз берганимизни қўради. Ваҳоланки, фракцияларда ҳам сессиягача қизгин жараёнар

қилдик. Лекин бу ҳақдаги ха-барни на телевидорга, на га-зетага бердик. Фракциямизга тушган таклифларни ўрганиб, тахлил қилиб, кераклиларини тегишли қўмиталарга фракция номидан юбордик. Яна бир жиҳати шундан иборатки, биз-нинг айрим фракция аъзола-риниқ бевоисита Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияла-рида хизмат қиладилар. Уларнинг «Адолат»ники, «Адолат» фрак-циясининг иши ёки ташаббуси, деб тушуном керак. Масалан, Олий Мажлисининг Бюджет, Банк ва Молия масалалари қўмитаси раиси фракциямиз-нинг аъзоси. Биз у киши орқали янги лойиҳага 1992 йилда қўнган «заём»лар масаласида қандайдир тартибда ҳал қилиш ташаббуси билан Олий Маж-лисга чиқдик.

— Сиз фракция раҳбари

сифатида ҳамма фракция аъ-золарининг фаолиятини до-моникисизми?

— Йўқ, ҳаммасидан эмас. Мен буни фракция йўналиш-ларида бир неча бор айтган-ман. Айрим масалаларда ва-зият ҳаётда бир-биримиздан хафа бўлишимизга қарай бориб-етади. Ана шунларни ҳисобга ол-ганда «осойишта утди» дей-илган гаплар унчалик тўғри-напти. Лекин тўғри, сайлов-лар пайтидаги ошанилик ҳозир йўқ. Биз яқинда бир ҳолатни тах-лил қилдик. Сайловгача ай-рим партия аъзоларимиз жуда ҳам фаол эди. Шу боис партия уларнинг номзодларини депу-татликка ҳам кўрсатди. Сайлов саваловда, табиийки, уларнинг қўллари ўтишолмади. Ана шу-лар сайловдан кейин сувга тушган тошдек жимиб қотиш-ди. Демак, улар бизнинг са-фиямизга партия учун эмас, балки фақат депутат бўлиш учунгина киришган экан, деган таассурот уйғонди. Тўғриси-ни айтганда, партия бундайлардан воз кеча қолгани минг марта маъқул.

— Партиявий этикод со-бит бўлиши керак демократияда-да?

— Ҳа, шундай.

— Амалдаги қонунчиликда партия номусини, деб то-пига депутатини хатто қақириб олиш ҳуқуқига ҳам эга. Партиялар ўрни келганда ана шундай ҳуқуқлардан фойдалансалар бўлмас-микан?

— Фойдаланса бўлади, бу унинг ҳуқуқи. Лекин ҳали ора-мида сиз айтган даражадаги «номусини номзод йўқ», деб ҳисоблайман.

— Сиз бугунги кунда фрак-циянинг парламентдаги ўрнини қандай тушунайсиз?

— Ҳозирги мамлакатлардаги фракциялар фаолиятидан ха-бардор киши сифатида ўзаро таққослаганда бизда нима-

лар етишмайди, деб ҳисоб-лайсиз?

— Бизда, биринчидан, жасо-рат етишмайди, деб ўйлайман. Иккинчидан, назаримда, жин-дай эмас, аниқгина андишали-миз. Кўп масалаларда: «Кў, қўй эйди, майли» деган ақидда ус-туңлик қилади. Очигини айтган-да, Олий Мажлис Раисининг «Халқ сўзи»да партия фрак-цияларига нисбатан айтган фик-рлари биз учун аслида «минус». У киши биз кўтаришимиз керак бўлган масалаларни тилга ол-ганлар. Сиёсий «фракция»лар бўлиши, уларни қўчайтириш-миз ва қўлайтиришимиз керак. Битта масалада ҳамманинг битта фикрга эга бўлиши ҳам нотўғри, ҳам мумкин эмас. Узи-миздаги фикрни очик ва ра-вшан айта олишни ўрганишимиз керак. Партиялар орасидаги рақобатни, бахс-мунозаралар-ни қўчайтиришимиз лозим. Зеро, демократик жамиятнинг асосий шартларидан бири ҳам шу. Бир-биримиз билан яхши маънодаги, маданий доираси-даги рақобат, бахс бўлмас экан, ривожланиш ҳам бўлмайди.

— Амалдаги қонунчиликда «депутат сўрови» деган мо-да бор. Очигини айтганда, ҳали сессия жараёнида би-рорта депутатнинг «депутат сўрови» билан юқори иж-роия органига мурожаат қилганини, уларнинг эса де-путатларга ҳисоб берганини эслаблайман. Эҳтимол бўлганда, лекин бу ҳолат сизларнинг фракциянгизда қандай?

— Мен ҳам эслолмайман. Лекин сайловчиларимиз билан ўрашганимизда улар бизга кўп масалалар бўйича мурожаат қилишади. Биз ана шундай пайтда шу масалага бевоисита мутасадди бўлган идорага ёзма равишда «депутат сўрови» чиқарамиз. Улар ҳам тегишли муддат ичида ёзма ёки оғзаки жавоб беришади. Бундай ми-

солларни истаган депутат фаолиятини истаганча қўй-тириш мумкин, деб ўйлай-миз.

— «Халқ сўзи»нинг 8 но-ябрь сонидagi «Олий Маж-лисда машварат» мақола-сини ўқиганимиз-ми? Шу ҳақда қандай фикрласиз?

— Уқиганман. Мен бу ўрин-да мақола муаллифини тулик қўлаб-қувватлайман. Била-сизми, «компетенция» деган тушунча бор. Билиб-билмай ҳамма нарсасга аралашмас-лик керак. Одам бир на-рсасга тушуниб, билиб, унинг муҳиятини тулик англаб ара-лашгани маъқул. Уша мақолада айтилганидек, са-вол ярим билим аломатидир. Сизнинг берган саволингиз-га қараб, нимага қодир экан-лигингизни билиб олиш мум-кин. Депутат бўлиш ҳамма нарсани билиш, дегани эмас. Ва бунинг асло илоҳи ҳам йўқ. Мақолаани ким, қандай тушушган билмадим. Лекин депутатни нега танқид қил-маслик керак. Бу қандай қа-ерда ёзилган. Ҳеч қаред. Бун-дай мақолаларни илоҳи бо-рича кўпроқ бериш керак. Ҳамма гап шундаки, бундай мақолалар негадир кам ёзи-лади. Ёзилса ҳам бир хил шаблон асосида ёзилади: йилгили бўлди, уни фалончи олиб борди, тегишли қарор қабул қилинди ва унда фа-лоллар иштирок этди. Та-мом. Ва қўпчилик шунга ўрганиб қолишган ҳам, ше-килли. Бояғидай сал бошқачароқ ёзилса, ҳамма ҳам ҳам қўлолмайд. Ўрга-ниш ва ўргатиш керак, наз-аримда. Танқид яна ҳолисо, адолатли ва адресли бўлса, янада яхши бўлади.

Исमत ХУДОЁЕВ,  
сўхбатлашди.

(«Халқ сўзи»дан олинди).





Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.  
Бепул умумий таълим олиш давлат то-  
монидан кафолатланади.

Мақтаб ишлари давлат назоратида-  
дир.

(Ўзбекистон  
Республикасининг  
Конституцияси,  
IX боб, 41-модда).

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА  
ТАЛАБАЛАРИ ДИЁРИМИЗ  
АҲОЛИСИНИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИ  
БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Юртимизда илм-фаннинг гуркираб  
ривожланишига, кадрлар Миллий дастурини  
амалга оширишга, мамлакатимизнинг юксак  
тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин  
олишига хизмат қиладиган чуқур билимли,  
юксак салоҳиятли, комил инсонларни  
тарбиялашда куч-ғайратимизни  
аямаймиз.

**«ЎЗБЕКАВТОГАЗ»  
ҲУДУДИЙ  
БОШҚАРМАСИ**

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ —  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ  
8-ЙИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН  
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ  
ҚИЗГИН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.



Мўътабар айём ҳар бир оилага, ҳар бир юртдошимизга қутлуғ бўлсин!  
Яратганининг ўзи серкуёш мамлакатимизга саҳовот нурларини бахшида айлайверсин!  
Келажаги буюк — Ўзбекистонимизни Оллоҳнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин!



Бугун Халқаро Кураш Ассоциацияси ўзининг навбатида Иброҳим Кўмиташи йиғилиши ўтказмоқда. Ушбу нуфузли ташкилотнинг бу галги йиғилишида сайёрамизнинг турт қитъасидан келган ижрокўм аъзолари томонидан миллий спортимизнинг янги асрдаги истиқболга бағишланган долзарб масалалар кўриб чиқилади. Анжуманда иштирок этиш учун Америка қитъавий Кураш конфедерацияси президенти Эдгар Клауре, Африка қитъавий Кураш конфедерацияси президенти Андре Френч ва Туркия Республикаси Кураш федерацияси президенти Иброҳим Остек жаноблари биринчилардан бўлиб юртимизга таширф буюрдилар.

Мамлакатимиз меҳмонлари журналистлар билан ўтказилган матбуот анжуманида ўзбек кураши ҳақида ўз фикр ва муносабатларини билдирди.

**Иброҳим ОСТЕК (Туркия):** — Кардош ўзбек деярлига учинчи мартаба келишим. Бунга сабаб, спорт курашидир. Мазкур спорт билан танишган пайтимида ҳажоимини таърифлашга сўз ҳождир. Чунки тарихий сифатида айта оламкин, дунё курашларининг


отаси бўлган — ўзбек кураши бошқа миллатлар томонидан ўз миллий спорти тури тарихида улаштирилиб, асрлар оша ҳақон халқлари саломатлиги ва дустлигини мустаҳкамлаш йўлида толмай хизмат қилган эди. Хайриятки, Ислам Каримов ҳеч бир мамлакат бошлиғида кураш билан танишган даржада спортсевар бўлгани боис бобомерос кураш дунё юзини кўриб, қамровини кенгайтирмоқда.

Анталияда ўтган кураш

## ЎЗБЕГИМНИ ТАНИТГАН КУРАШ!

бўйича иккинчи жаҳон чемпионатидан сўнг, мамлакатларимиз орасида нафақат, сиёсий-иқтисодий, маданий, шунингдек, спорт соҳасида ҳам кенг миқёсда ҳамкорлик ришталари мустаҳкамлангани кўвонч билан таъкидламан. Қолаверса, курашнинг Туркиядаги оммавийлигини жадаллаштириш мақсадида келгуси йил барча ёшдаги полвонлар ўртасида мусобақалар ўтказиш ҳамда ҳақамлик курси ва семинарлари ташкил қилишга астойдил бел боғланамиз.

**Андре ФРЕНЧ (ЖАР):** — Дастлабки, ўзбек кураши мен ва африкаликларга нима берди деган саволга тўхталсам. Шунинг алоҳида эътирофи этардимки, ўзбекни ўзалигини танитган кураш бўлди. Чунки биздаги 1993 йилгача давлат бошқарувида бўлган сиёсатдонлар томони-



дан шарқ халқларини, умуман олганда, собиқ Совет халқларини тузилиши, қиёфасидан тортиб урф-одагича гайритабиий ҳолатда тасвирлаш тарғиб қилинган. 1999 йилда Халқаро Кураш Ассоциацияси президенти Комилжон Юсупов тақлифи-

бу ўлкага бўлган соғинч қалбим туридан жой олди. Шунинг учун, ушбу сирли юрт билан яқинроқ танишиш мақсадида биринчилардан бўлиб мамлакатингизга келишга ҳазм этдим.

Африка қитъасида курашга бўлган муносабат ҳақида тўхталсам, бизда бу янги спортга бўлган қизиқиш ута қучлидир. Маълумки, Африка «Уйкудаги гигант қитъа» ҳисобланади. Шунинг учун бу ҳудудда янги спорт турини тез оммавийлашуви бироз қийин кечади. Лекин ўзбек кураши дзюдодан анча фарқи бўлиб, енгил усулларга бой, инсон саломатлигига зарарсиз, томошабинбоплиги боис бундай тусиқа учраши кузатиламан. Африкаликлар кўвонч билан уни қарши олиб, жиддий машғулотлар ўташга тезда қўлиқмоқдалар. Шу ўринда ўзбекистонлик кураш

мутасаддиларидан илтимосим, бизнинг ўлкаларга ҳам тажрибали ўзбек курашчилари, ҳақамларини юбориш, африкалик полвон ва мураббийлар тажриба ҳамда маҳоратини юксалтиришда ёрдамлашса, айни муддао бўларди. Ишонаманки, юртингиз бош маданияти ва тарихидан дунёга дарак бераётган ўзбек кураши босқичма-босқич ривожланиб, яқин беш йилликда олимпия оиласи сафидан жой олади.

**Эдгар КЛАУРЕ (Боливия):** — Ташкентда 1999 йил ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатида икки полвонимиз билан келган эдик. Узимни яна ушбу меҳмондуст халқ даврасида кўриб турганимдан бағоят хурсандман. Америка қитъасида хусусан, Боливия, Парагвай, Чили, Уругвай, Доминикан Республикаларида ўзбек кураши муҳлисари сони кун сайин кўвонч билан уни қарши олиб, жиддий машғулотлар ўташга тезда қўлиқмоқдалар. Шу ўринда ўзбекистонлик кураш

боргандан сўнг, кураш оммавийлашувида астойдил ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Дзюдо билан шуғулланувчи барча спортчилар ушбу спорт тури сиринотларини осонлик билан ўлаштириб олиб, унга нисбатан меҳри ортиб борапти. Декабр ойида Боливияда ўтказилган биринчи Пан Америка чемпионати қитъанинг кучли полвонларининг қизгин беллашувига бой бўлишига аминман. Дунё халқларининг севимли спортига айланиб бораётган ўзбек кураши Олимпиада уйинлари сафидан жой олишида бор кучини аямайман.

Халқаро Кураш Ассоциациясининг бошқа вице-президентлари ҳамда аъзолари, 30 дан ошқ мамлакат кураш федерациялари президенти ва кузатув кенгаши иштирокидаги анжуман йўли асрда ўзбек курашини бугун дунёга оламшумул тарзда ривож учун муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

«Туркистон-пресс»

## Жамият, инсон ва ҳуқуқ «АКСИЛТЕРРОР» ФОШ ЭТАДИ

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси томонидан вилоят ҳудудида шу йил 27 ноябрдан 15 декабрга «Аксилтерро» махсус тадбири ўтказилмоқда. Дастлабки 5 куннинг ўзида бир неча ўғил-қизлар фоти этилди. Ўқ-дорилар, диний-экстремистик мазҳабдаги варақалар топилди, очилмай келаятган икки қотиллик очилди, қатор иқтисодий жиноятлар, ҳатто гўза экилган далаларни бузиб бошқа экин эккан ўзбошимча тадбиркорларга аниқланди. Бошқа яна жиноий ҳатти-ҳаракатлар фоти этилди ва этилмоқда.

Тадбирда ҳар кун ички ишлар ходимларидан ташқари жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда. У шартли равишда икки босқичга бўлинди: соат 8.00 дан 18.00 гача ва 18.00 дан 6.00 гача «Тун» тадбири.

Бундан асосий мақсад — эл-юрт тинчлигини, чегара ҳудудлар ҳафизлигини ва оқсоқиллигини таъминлаш бўйича зарур бўлган кўп томонлама сай-ҳаракатларни амалга ошириш. Маълумки, пойтахт вилоятининг тоғли ҳудудлари бир томони Қозғоғистон, бир томини Тожикистон билан чегарадош. Анграи яқинида тоғ бағрида жойлашган йиғибораб шаҳарчасида террорчи унсурлар билан тўқнашувда ушбу нафар милиция зобитларининг ҳалок бўлгани ва сўнгра 14 та газандаларнинг тоғ-тошда яқсон этилиши, кейинроқ — шу йил ёзда бошқа бир туданинг Бўстонлик тумани тоғларида буй қурсатиши ва улар худди аввалгиларидай ит ўлимини топшии воқеаларининг акс-содоси ҳали сўнганича йўқ. Рост, улар ерларчин қилинди, тирик қулга тушганлари устидан кечганича Олий судда ҳукм қилинди. Бироқ, бу билан хотир-жаҳамлик берилиб бўлмади. Бемаза қовуннинг уруғи кўп деганидек, ҳамиша оғош ва ҳушёр турлиласа, эрта-кеч улардан яна бир тудаси тоғданми-ғорданми буй қурсатиб қолмаслиги қанолат йўқ. Бунчи яхши тушулган, аввал ўз ўлигини, ўзининг асра деган ҳикматида амал қилган вилоят милицияси ана шу каби ноҳус воқеаларнинг олдини олиш учун турли тадбирларни ўтказмоқда. «Антитерро» шулардан бири.

Бу махсус тадбир жараёнида республикамиз ҳудудида диний-экстремистик оқимга мансуб шахсларнинг, жангари-лар ва террорчилар, жиноят содир этиш эҳтимоли бор бошқа шахсларнинг қадим қўйилган «Аксилтерро»нинг қатор қўруқлар, портловчи моллар ва тўқнашув моддалар билан ўқитилмаслиги назорат қилинмоқда. Бу тадбир айниқса чегара ҳудудларида янги Анграи, Янгибод шаҳарлари, Бўстонлик, Охангори, Паркент туманларида алоҳида эътибор билан ўтказилмоқда.

Ва айтиш мумкинки, аниқланган ўғил-қизлар ва юзлаб қонунбузарлик ҳатти-ҳаракатлари «Аксилтерро»нинг шунчаки ўтказилаётган тадбир эмаслигини қуртмоқда. Хусусан, 27 ноябр кундуз кўни Янгиёул туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа ҳужалиғида яшовчи 1964 йилда туғилган ҳужуҳжон Рўстамовнинг ушбу гунодор сифатида текширилганда «Жиҳад-терро» диний-экстремистик оқимга алоқадор ҳал қилинган «Ал-Ваъ» журналининг 3 та сони ва бир нечта ҳар хил номли варақалар топилди.

Ушбу тоифадаги шахсларни топиш, шунингдек ишсиз юрган, бошқа вилоятлардан келган бекорчиларни аниқлаш бўйича паспорт тизими юзасидан текширишлар ўтказилмоқда. Бунда хусусий уйларда, кўп қаватли хонадонларда, ётоқхоналарда, дала ҳовлиларида истиқомат қилувчи ушбу мингга қийилар текширилади. Аниқланган 221та паспорт тизими қондаларини бузиш бўйича тегишли чоралар қўрилди, 169 шахс мажбурий жавобгарлик тоғтилди, 230 шахсини республика ҳудудидан чиқариб юбориш учун ҳужжатлар тайёрланди, 74та республикамиздан чиқариб юборилди.

Бундан ташқари, содир этилган жиноятларни «иқсис» изидан, яъни ақли билан топишга эътибор қаратилмоқда. Шу тариқа, 27 ноябр кундуз Янгиёул туманида темирйўл вокзалида жойлашган «Дониёр» хусусий фирмасининг «Бахтли воқеа» залида товланган Ражабали Раҳимов тадбиркор Мурод Қурбонбековдан 300 минг сум талаб қилиб олаётганида пул билан қўйиб ўзи ҳам қўлга олинди. Шунингдек, «Тун» тадбирида иш гунодор таъминли ҳодимларнинг 27 ноябр кечаси соат 01 да Олмалик шаҳорининг Бобур кучаси 29-уйдаги ўғирлиқни ушлади: Сергей Ким уйда ҳеч ким йўқлигини фойдаланиб, дераза ойисини синдириб қириб, 100 минг сумлик бўмларни ўғирлаб кетаятган эди.

Бўстонлик туманида эса худди уша кун кечаси соат 2ларда 1968 йилда туғилган, масъумий ишчи Мурод Илхосов «Хужакент» жамоа ҳужалиғининг даласида утлаб юрган шў ҳужалиққа қарашли 3 та отни ўғирлаб кетаятганида ушлади. 28 ноябр соат 1 да эса Андижоннинг Булқоқчи туманида ишчи 16 яшар Сабир Мирзаев «Пенкент» туманида бўлиб ишлаб юриб «Пенкент» жамоа ҳужалиғида ишчи Жамол Дўлатбековнинг 600 минг сумлик «Панасоник» видеокамерасини ўғирлаб кетаятганида тўхтатилди.

Кибрай туманидаги «Фан» дала ҳовлиси ёнидан оқиб утадиган Захариқдан 17 ноябр кун қўли оқсига қайтарилиб қийиланган 35-40 ёшлардаги эркак киши жасади топилган эди. «Аксилтерро» тадбири жараёнида бу қийиланган шахси аниқланди — Мировод туманидаги Госпитальнинг мавзесида истиқомат қилувчи 1958 йилда туғилган, ҳеч қарда ишлаган Мухторжон Ҳасимов экан.

Тадбир жараёнида қидирув ишларига ҳам эътибор берилмоқда. Қисқа фурсатда суд ва терговдан қочиб юрган 9та жиноий ушланди, 1 та бедарак йўқолган шахс топилди. Шунингдек, иқтисод соҳасидаги жиноятлар ҳам фоти этилмоқда. Хусусан, 27 ноябр кун «Мусмад» хусусий фирмасининг директори, Юнусободда яшовчи Сергей Бершнин «Охангаронцемент» ҳиссдорлик жамиятидан қалбаки ҳужжатлар асосида олган 2287 тоғна — 15 миллион 655 минг сумлик цементни ўлаштириб юборгани аниқланди.

Ҳа, «Аксилтерро» махсус тадбир шў тариқа турли-туман жиноятларни фоти этиб, булжак жиноятларнинг олдини олишда ҳаққатдан ҳам самарали ва фойдали тадбир эканлигини исботламоқда.

Мақсуда СУЛТОНОВА,  
Тошкент вилояти Ички ишлар  
бошқармаси матбуот хизмати ходими.

## ДАН Ҳаёти МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ



Халқимиз оқсоқиллигини таъминлашда Ички ишлар вазирлиги тизимига фаолият кўрсатётган жамоаларнинг айниқса, хизматлари бекиб. Бу борада Тошкент шаҳар ИИБга қарашли йўл-патруль хизмати олиб бораётган ишлар ҳам эътиборга моликдир.

Зиммамизга катта вазифалар юклатилган, — дейди йўл-патруль бригадаси катта инспектори, милиция капитани Номозали Бойжуманов, — жамоамизда йигирма уч нафар ходим хизмат қилади. Қуриб тургангиздек, бизнинг Роҳат пости орқали кўнига минглаб транспортлар Тошкент — Уш магистрალი йўналиши бўйича ҳаракатланади. Иш давомида турли ҳайдовчилар билан мулоқотда бўламиз. Уларнинг ҳар бир ҳаракати бизлардан хушроқлини талаб этади.

Дарвоқе, милиция капитани Номозали Бойжуманов ҳақ гапни айтди. Бирор бир қўлайликдан фойдаланган ҳайдовчи узиға қўйиб берса, нималар қилмайдий дейсиз? «Бахт» йўл-патруль масканида назоратчилар, милиция майори К. Нурхужаев, катта инспектор, милиция капитани Н. Бойжуманов ва бошқалар

иштирокида текширилган фуқаро С. Н.Кимнинг ёнидан «героин» гиёҳванд моддаси топилди. Фуқаро Г. Савелев «КамАЗ» автомашинида саккиз тонна олтингугуртни ҳужжатсиз олиб кетаятганида

булса, уша жойда меҳнат умиддорлиги қўзғаш ташланади.

Абдурафик МАХҚАМОВ.

СУРАТДА: ДАН ҲОДИМЛАРИ, МИЛИЦИЯ СЕРЖАНТЛАРИ

Зухриддин Отабоев ва Кахрамон Абдураҳмонов хизмат бурчини доимо сидқидилдан бажаришмоқда.

ланди ва тегишли ҳужжатлар асосида унинг иши Бектемир тумани ИИБга топширилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шундай ҳушёр, ўз ишига садоқатли полвонлар боис ҳозир юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон. Зеро, қаерда интизом мустаҳкам

бўлса, уша жойда меҳнат умиддорлиги қўзғаш ташланади.

Абдурафик МАХҚАМОВ.

СУРАТДА: ДАН ҲОДИМЛАРИ, МИЛИЦИЯ СЕРЖАНТЛАРИ

Зухриддин Отабоев ва Кахрамон Абдураҳмонов хизмат бурчини доимо сидқидилдан бажаришмоқда.

Яқинда хизмат хонамга қирқ ёшлардаги нотаниш киши қирб келди ва саломатликдан сўнг русхат сўраб, дарду ҳолини баён этди.

Унинг айтишича, тузукки-на касби бор экан, лекин хотинининг зўри билан тоғна-тутганига қаноат қилмай, тижоратчилик (аслида олибсортарлик) билан шуғулланишга аҳд қилибди. Бунга етарли маблағи йўқлиги сабабли «процентчи»дан уттиз фоида устамасини қўйиб қайтариш шарт билан ўч олишга мажбур бўлиб қўзғаш олибди.

Бироқ йўлини билмаганлиги ёки эпини қилмаганлиги сабабли иши юришмабди, сотиш учун олган моллари утмай, охири-оқибатда «сини»ди.

Бу борада қарзни қайтариш муддати уттиз кетибди, уни фоида билан тулаш ўқда турсин, олган пуллар шў уртда йўққа қичибди.

Уланининг устига тегган, деганлардек бойиб кетман ҳам ташлаб юборган экан. Сўнгра унинг эса жазаваси тутиб, «қарзингни бир ҳафтада тўқсанлари» билан қўйиб тўқсанга унингни бўшат, деб талаб қўйибди.

Сўнгра дегани, бу фойдаҳўр ёки фойда қўрувчи дегани. Бу иллат бизда асрлар оша етиб келган, баъзиларинигина жуда бойитиб,

қўнчиликни эса хонавайрон этувчи ҳаром амалдир. Қўрғонни Қаримда таъкидлашмишча, бу қаттиқ қораланган гуноҳлар сирасига қирақан. Жумладан, «Оли Имрон» сурамининг 130-оятда айтадигани, «Эй муминлар, (берган қарзларингизни) бир неча баробар қилиб олиш билан судхўрлик қилмангизлар! Оллоҳдан қурқингизлар (шунда) шояд нажот топсангизлар!»

Хадиси Шариф китобларида ҳам судхўрлик Оллоҳга шак келтириш билан баробар гуноҳларга тенглаштирилади. Яна бир улғ муҳаддис бобомиз Абу Исо Термизийнинг «Саҳиҳ Термизий» деб номланган танланган ҳадисларида айтадигани, нафақат судхўрнинг узи, балки ундан қарз олган, бунга гувоҳликка утган ва қозоғат туширганлар ҳам баробар гуноҳга ботадилар.

Минг афсуски, мана шундай илохий таъкидларга ва аччиқ сабоқларга қарамай, Тангрининг ғазабидан қўрқмай судхўрликни бошқаларнинг қўзғашлари, азоб-ўқубатлари эвазига бойиш манбаи қилиб олганлар оз эмас. Бундайларда раҳм-шафқат деган нарсанинг

кетаяпман, деб уйландилар. Аслида, вақтинча шундай бўлиши мумкин. Лекин, қўнғига ҳолларда мана шундай ҳаром-ҳарий йўллар билан бойилган Худонинг қарига учраганлар тарихдан ва ҳозирги қўнларимиздан яхши маълум.

Ашаддий судхўрлар қўлаб бадий асарларнинг «қахрамонлари» бўлишган. Айниқса, буюқ фаранг ёзувчиси Онуе де Балзак (1799 — 1850) «Гобсек», машҳур адибимиз Садриддин Айний (1878 — 1954) «Судхўрнинг ўлими» қиссаларида бундай «касб» эгаларининг ифлос башараларини аввасизлик билан ҳаққоний фоти этишган. Балзакнинг Жан-Эстер ван Гобсеки ҳам, Айнийнинг Қори Исмаил-Қори Ишқам-

баси ҳам судхўрлик касофатининг, ҳасилолик, оқуқлик, пулга ўқилинган ёрқин тинсоларидир.

Ушбу «қахрамонлар» беркорга «гобсек» — тириклай ютувчи ҳамда «ишқам» — балоҳур, дея аталмаганлар. Уларнинг судхўрликлари адиб-оқибат ўз бошларини адиб, ифлос усуллар билан тулган «бўҳис» мол-дунёларидан айрилиб, ўзлари илди ҳор-зор ўлиб кетдилар.

Бундан айна йиллар илгари шў атрофда соғуқ бир гап оралаб қолди. Номин чўққан судхўрлардан бири оламдан ўтган, унинг ўлигини қўиш жуда қийин бўлибди. Айтишларича, ғуруқлар судхўрнинг қабрини қанча қазисамиз гур яна таройиб кетаяттибди. Шу атрофдаги одамлар бундай даҳшатдан қўриб, мазористонни ташлаб қўчишибди.

Аслида имконияти бор одамлар мумин-мусулмон биродарларига улар муҳтож бўлиб қолганларида моддий томондан мадад ва қўмак берсалар, уларга бундай ҳолис хизматлари учун яхшиликлар ёғиларди, савоблар ёзиларди.

Яна таъкидланадигани, қимчи қарзни ҳалол бериб, қанча берса ва яна шунча қайтариб олса, Оллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлгусидир. Чўқи, у қийин бир вазиятда ёки оғир шароитда қолган охири ва илҳосиз бандани қўлаб-қўуватлайди.

Бердир ЖУМАЕВ.

Бердир ЖУМАЕВ.

Бердир ЖУМАЕВ.

Бердир ЖУМАЕВ.

Бердир ЖУМАЕВ.

## КАХ-КАХ

— Арзимаган маош олар экансиз. Нексия, дала ҳовли, шунча гиламларни қаердан олдингиз?

— Мен жуда камбағал эдим. Бир кунги раҳматли онам тушимга қирб, қаердан уч метр нарида бойлик қўмилганини айтдилар. Шўни қазиб олдим.

— Иббатой оласизми?

— Ҳа, Нексия, дала ҳовли, гиламлар иббатой бўлмайди...

## ҚОНУН БАРЧАГА БАРОВАР ЭМАСМИ?

Конституция — бахтимиз Қомуси. Инсонпарварлик тамойилларига йўғрилганлиги билан ҳам у алоҳида аҳамият касб этади. Ҳамма нарсанинг инсон ўқинлиги, унинг бахт-саодати ўқинлиги Конституциямизда тўла ифодасини топади. Шунга монанд қонунлар ҳам ҳаммага баробар. Жиноят ўқун эса жазо муқаррар. Бунинг биз ҳар доим ҳис этиб турибмиз. Қўнғилчанлигининг ортидан бошимга тушган оғир бир савдо орқали ҳисобимиз Ғулом Давлатов билан жазоимизни олдим. Аммо асосий ишни қилганлар, жиноятнинг тепасида турганлар сўвдан қўққ чикишиб, қўтулиб қолдишди. Уларни ҳеч қим ҳалигача мушугини пишт дейётгани йўқ.

1989 йилнинг 30 декабридан 1994 йилнинг 1 декабригача Ўзбекистон санат-қўрилиш банкнинг Шарғун шаҳар бўлимида бошқарувчи бўлиб ишладим. 1994 йилнинг май ойида Сариевнинг туманидаги ҳужалиқ ҳисобидида тайёров савдо идораси ўқинлиги қиймати 500 миллион сум қўнғона тенг бўлган қўнғол ҳужалиқ маҳсулотларини қийми мавсумга жамғариб сотиш учун банктан кредит олишга уша пайдага «Ўзловдош»нинг 900 миллион сум қўнғона шартнома тузди. Сўнгра бизнинг банкимизга кредит олиш учун ҳужжатларини тақдим қилди ва кредитни олди. Тадбиркорлар ўнча алоҳида қўнғол ҳужалиқ маҳсулотлари сотиб олиш ўқинлиги Ушў тумани «Агропроблемаси»га қарашли тайёров савдо қорхонаси билан тил топишиб, ҳеч қандай шартномасиз қайриқўнғуний ишни қилишди. «Ишонч» ва юк хатлари асосида 839 миллион 506 минг сум қўнғона қўнғол ҳужалиқ маҳсулотлари олишга келишибди. Унинг пулини 25 кун ичида тулаш шарт билан қанолат хати ҳам тақдим қилинди. Шундай қилиб иккала савдо ташкилоти раҳбарларининг ўртасида маҳсулот олди-сотиди ўқинлиги бўлибди.

Охири-оқибатда Сариевнинг тайёров идораси Ушў савдо ташкилотидан пени билан қўнғол ҳисоблаганда 195620 сум қарз бўлиб қолди. Қарзни ўқинлиги ўқун Ушў савдо ташкилотидан банкимизга мажбурий тўловномалар йўқлади. Худди уша пайтларда, яъни, 1994 йилнинг 28 июнида автохалокат туғайли Ушў тумани марказий касалхонасида даволанаётган эдим. Сариевнинг тумани тайёров савдо идорасининг раҳбари Азим Бобоев ҳузуримга келиб мажбурий тўловномага имзо чекиб беришини сўради. «Ушў тайёров савдо қорхонасидан қарзимиз бор, ўқизиб бермасак бўлмайди», — деб туриб олди. Ушў касалхонада даволанаётган пайтимида давлат банки ҳужжатларига имзо чекишга ҳаққим йўқлигини, қолаверса, банк соҳа мутахассислари бунга йўқлиқларини тушунтирдим. «Барча жавобгарликни ўз зиммасига олам», — деди у ҳоли-жонига қўймай. Қўнғилчанлик қилиб мажбурий тўловномага қўл қўйиб бердим. Ишлари «беш» бўлган Азим Бобоев Ушў савдо тайёров қорхонасидан олган маҳсулотларини вагонга юклаб Россияга жўнади. У ёқдан 54 тонна шакар, «КаМАЗ» автомашинасининг 300 дана балони, тракторнинг 150 та орқа балони ва 2 дана Япониянинг «ТАТРА» автомашинаси билан тантанавор тарзда қайтиб келди.

Азим Бобоев «Ишонч» қўнғуний билангидан раҳбарлардан эди. Россиядан келтирилган товарларнинг ўқинлиги республикамизга юқмади. Узимизга сув ва ҳаводек зарур бўлиб турганига қарамай улар Тожикистонга ўқизилиб, пулланди. Лекин пул қиссасига, Азим Бобоев ва унинг ҳамтоволларининг қиссасига тушди. Оқибатда Сариевнинг тайёров савдо идорасининг банкимиздаги ҳисоб рақамига бу пул қилиб тушмади. Олинган кредит қайтарилмай қолди. Охири-оқибат мени гуноҳдор қилишди. Мендан қийин бани қарашуручилик қилганларнинг қамчилиқларини ҳам қаранимга юқладим. Бироқ жиноятни содир этган, маҳсулотни қўнғил йўқлар билан Тожикистонга ўқизиб, пуллаб роҳат-фароғат қўнғил қўнғилдан панада қолдишди. Тегишли жазосини олишмади. Ахир бир кун бўлмаса бир кун адолат баробар юзга қалқиб қичқиди-қуқ? Ҳозир ҳамма гаплар оқибатда айтилганда пайт. Уйлайманки, менинг изтиробли хатим республикамиздаги мутасадди идораларнинг раҳбарларини энди бефарқ қолдирмайди. Зеро, қўнғил барчага баробардир.

Мухаммади ҚУРБОНОВ,  
Сурхондарё вилояти, Ушў тумани.

«Адолат» газетаси ижодий жамоаси «Ишонч» — «Доверие» газеталари Бош муҳаррири Мирғиёс Қасимов ва бошқа ҳисобдорларни юртиш, шунингдек, божхона тўловлари учун ҳоржик аял-лотларини сўмга нисбатан қўнғил қийматини белгилади.

Бунда 1 АКШ доллари 318 сум 43 тиын қилиб белгиланди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар ўқун факт муаллифлар жавоб берадилар. Қўнғиллар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашрият-мат